

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРИПОВА МАВЛЮДА БОЙМУРОТОВНА**

**НАВОИЙ БАДИИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЛИТЕРОНИМЛАРНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

УДК: 81`373:003.032:82-  
1[=512.133]

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Шарипова Мавлюда Боймуратовна**

Навоий бадий асарларидаги литеронимларнинг лексик-семантик ва  
лингвопоэтик тадқиқи ..... 5

**Sharipova Mavlyuda Boymurotovna**

Linguopoetic and lexico-semantic investigation of literonyms in literary works  
by Navoiy..... 25

**Шарипова Мавлюда Боймуратовна**

Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование литеронимов  
художественных произведений Навои ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ ..... 47

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШАРИПОВА МАВЛЮДА БОЙМУРОТОВНА**

**НАВОИЙ БАДИИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЛИТЕРОНИМЛАРНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ВА ЛИНГВОПОЭТИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Fil696 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Бухоро давлат университетининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саидов Ёқуб Сиддиқович,**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Раупова Лайло Рахимовна,**  
филология фанлари доктори, профессор

**Жабборов Хўжамурод,**  
филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 рақамли илмий кенгашнинг 20 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: buxdu\_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 20 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20 \_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ -рақамли реестр баённомаси).

**М.К.Абузалова,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филология фанлари доктори (DSc),  
профессор

**Г.И.Тоирова,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**Д.З.Ражабов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, филология  
фанлари доктори (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ижтимоий онг ва тафаккур ривожига муҳим ўринга эга муайян ижодкорларнинг асарлари тилини турли, жумладан, лексик-семантик ва лингвопоэтик аспектларда ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жаҳон адабиёти дурдоналари сирасидан ўрин олган бадиий асарлар таркибидаги луғавий бирликларнинг ўша асар аслияти мансуб адабий тилга муносабатини белгилаш, луғавий-бадиий, ижтимоий-эстетик ва тарихий хусусиятларини очиқ бериш ҳамда тараққиёт тенденцияларини аниқлаш барча замону маконларда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида прагматик, когнитив лингвистика йўналишидаги ишларга, антропоцентрик парадигмаларда лисоний таҳлилларга нутқий воқеликлар шахс (бадиий асар) нутқидаги луғавий бирликларни текшириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бадиий асарлардаги луғавий бирликларни лексик-семантик ва лингвопоэтик аспектда ўрганиш, литеронимларни алоҳида гуруҳ сифатида ажратиш, уларнинг поэтик хусусиятларини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида замонавий ўзбек тилининг прагматик, когнитив, психолингвистика, лингвопоэтика соҳаларини ривожлантиришга, бадиий матнни антропоцентрик аспектларда ўрганишга катта эътибор берилмоқда. «Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган бекиёс куч сифатида майдонга чиқди»<sup>1</sup>. Шу маънода миллий тафаккур ва кадриятларимизнинг эркин ифодаси бўлган Алишер Навоий бадиий асарлари тилидаги лексик бирликлар, литеронимларнинг тараққиётини тадқиқ этиш, лингвистик табиатини белгилаш, поэтик хусусиятларини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича жуда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, жаҳон шарқшунослигида Марк Тоутант, Гўнул Алпай-Текин, Ўлку Челик, Текин Шинаси, Ваҳит Турк кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ<sup>2</sup>.

Рус шарқшунослигида эса бу борада Э.Е.Бертельс ва В.В.Бартольд тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли<sup>3</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида ўтган асрда навоийшунослик илми шаклландики, унинг юзага келиши ва тараққиётида С.Айний, Б.Валихўжаев, А.Рустамов, А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов, С.Эркинов, Р.Воҳидов, С.Ҳасанов, Н.Комилов, И.Ҳаққул, А.Ҳайитметов, Ш.Сирожиддинов кабиларнинг хизматлари катта бўлди<sup>4</sup>. Шоир бадиий асарлари поэтикаси бўйича ҳам муайян тадқиқотлар яратилди<sup>5</sup>. Ўзбек тилшунослигида Алишер Навоий

<sup>2</sup>Marc Toutant. La culture des derniers Timourides: études des pratiques d'imitation à travers l'exemple de la Khamsa de Mīr Alī Shīr Nawā'ī (1441-1501). – Paris: 2013. – 231 p.; Gönül Tekin. XVI. Yüzyıl Çağtay Şairi Meclisi'nin Seyfelmülük Adlı Mesnevisi itakında. – Ankara: in JTS/TUBA, 1987. – P. 123-132.; Gönül Alpay-Tekin. Ali Şīr Nevaī, Ferhud ü Şirin. – Ankara: Türk Tarihi Kurumu, 1994. – P.34.; Çelik, Ülkü. Ali-şīr Nevā'ī Leylī vü Mecnūn. – Ankara: TDK Yay, 1996. – P.55.; ERASLAN, Kemal (1979), Alī Şīr Nevā'ī Nesāyimü'l-Mahabbe Min Şemāyimü'l-Fütüvve. – İstanbul: Üniv. Edebiyat Fakültesi Yay, 1979. – P.56.; Şinasi. Uygurcada Yardımcı Cümleler Üzerine Bir Deneme. – Ankara: TDAYB, 1966. – P.35-63.; Turk, Vahit. Ali Şīr Nevā'ī Nazmü'l-Cevāhir, Türk Dünyası . – İstanbul. Araştırmaları Vakfi, 2006. – P.35.

<sup>3</sup>Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – Москва: Наука, 1960. – С.78.; Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С.45.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 527 с.; Бартольд В.В. Мир Али Шир и политическая жизнь. Сочин. В IX томах. Т. II. Ч.2. – Москва: Наука, 1964.– С.87.

<sup>4</sup>Айний С. Алишер Навоий //Танланган асарлар. –Тошкент: 1978. – Б. 66.; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 45.; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.78.; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 98.; Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.32.; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.12.; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 67.; Валихўжаев Б., Воҳидов Р. Эзгулик умр мазмуни. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 45.; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. –Б.36.; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б.98.; Воҳидов Р. Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 1994. – Б.57.; Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. – Б.78.; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б.32.; Эркинов С. Алишер Навоий «Хамса»си талқинининг XV–XX аср манбалари: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1998. – Б.34.; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б.69.

<sup>5</sup>Жўраева Н. Ўзбек мумтоз шеърятда байт поэтикаси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.; Юсупова Д. Алишер Навоий «Хамса»сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2011. – Б.45.; Мамадалиева З. «Лисон ут-тайр» дostonидаги рамзий образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2011. – Б.25.

асарларининг тил, хусусан, лексик-семантик хусусиятлари Б.Бафоев, З.Ҳамидов каби олимлар томонидан тадқиқ этилди<sup>6</sup>.

Шарқ, чунончи, ўзбек мумтоз адабиётида, бадиий санъатлар муҳим ўрин тутди. Мумтозларимиз асарларида қўлланилган бадиий санъатлар мажмуи муайян даражада таҳлил этилган ва уларнинг халқ маънавий ҳамда эстетик тафаккурининг бойитишдаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Мумтоз адиб ва мунаққидлар Абдулла ибн Мўътаз бин-ал Мутаваккил бин Муътасим Аббосий, Қуддом бин Жаъфар, Абу Ҳилол ал-Аскарӣ, Абул Қоҳира Журжонӣ, Муҳаммад бинни Умар Родиёний, Наср бинни Ҳасан кабиларнинг араб тилида; Рашидиддин Ватвот, Шамс Қайс Розий, Носируддин Тусий, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Воиз Кошифӣ, Шарофиддин Румий, Сайфи Бухорӣ, Атоуллоҳ Ҳусайнийларнинг форс-тожик тилида; Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий, Мир Алишер Навоийнинг туркий тилда ёзилган ва бадиий таҳлил масалаларига бағишланган ишларида мумтоз бадиий санъатлар (илми бадиъ, илми балоға) доирасида ҳарфий санъатлар ҳам таҳлил ва тавсиф этилган. Лекин ҳарфий санъатлар, биринчидан, мумтоз адибларимиз томонидан махсус ажратилмайди, бадиий фигуралар доирасида кўриб ўтилади, иккинчидан, тил жиҳатидан деярли фарқланмайди, ҳатто туркий тилда ёзилган «Фунун ул-балоға»да ҳам туркий тил имкониятларига алоҳида эътибор қаратилмайди.

Ҳарф номлари (литеронимлар) мумтоз бадиий адабиётимизда ўзига хос қўлланилиш хусусиятига эга. Бундай хусусиятларни таҳлил этишда Ф. Исҳоқов, А. Ҳожиаҳмедов, Л. Зоҳидов, З. Ҳамидов, А. Асаллаев, В. Раҳмонов, Ф. Мусулмонқуловларнинг ишлари диққатга сазовор<sup>7</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Алишер Навоий бадиий асарларида қўлланилган ҳарфий санъатлар, шоирнинг имло асосида турли бадиийликлар яратиш, ҳарфларнинг ёзувдаги шаклларида фойдаланиш маҳорати монографик тарзда текширилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбек тилшунослигида тил,

<sup>6</sup> Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои: Автореф. дис. ... док. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 35 с.; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 157 б.; Бафоев Б. Навоий асарларида синонимлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – № 6. – Б. 23-28.; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопозитическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 20 с.

<sup>7</sup> Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1965. – 124 б.; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 167 б.; Исҳоқов Ё. Сўз санъти сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 125 б.; Исҳоқов Ё. Иштиқоқ. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1972. – № 4. – Б. 72-74.; Исҳоқов Ё. Тарди акс. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – № 6. – Б. 81-83.; Исҳоқов Ё. Тазод. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – №5. – Б. 80-83.; Исҳоқов Ё. Ташбех. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – № 4. – Б.81-84.; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 128 б.; Ҳожиаҳмедов А. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз кофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 160 б.; Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. – Тошкент: Фан, 1986. – 64 б.; Раҳмонов В., Мусулмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 24 б.

шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** литеронимларни алоҳида гуруҳ сифатида ажратиш, уларнинг поэтик хусусиятларини очиб бериш, Алишер Навоий шеъриятидаги литеронимларнинг лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятларини аниқлаш, бадиий-эстетик вазифаларини асослаш, шоирнинг улардан фойдаланишдаги маҳоратини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бадиий санъатга асос бўлган ҳарфларнинг шаклий ва мазмуний томонларини тадқиқ этиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш;

мумтоз адабиётда, хусусан, Алишер Навоий шеъриятидаги ҳарфий санъатларни аниқлаб, уларни тавсиф ва тасниф этиш, луғавий-бадиий жиҳатларини, лексик-семантик хусусиятларини очиб бериш;

литеронимларнинг ўз ва кўчма маъно муносабатларини, уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини ёритиш;

литеронимларнинг луғавий маъно ифодалаш ва уларнинг сўз яшаш учун асос бўла олиш имкониятини далиллаш;

Алишер Навоийнинг литеронимлардан фойдаланишдаги бадиий маҳоратини кўрсатиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоийнинг йигирма томли «Мукамал асарлар тўплами» ҳамда баъзи мумтоз адабиёт намуналари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Алишер Навоий шеърий асарларидаги литеронимлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, диахрон, синхрон, тарихий-этимологик, семантик-структур, лингвокультурологик ва компонент таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек-араб литеронимларининг ўзбек тилида алоҳида лексик-семантик маъно гуруҳлари, уларнинг қўлланилиш даражаси ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари асосланилган;

ҳарф номларининг мумтоз адабиётда маънавий санъатлар тизимида муҳим ўринга эгаллиги, бадиий-эстетик ҳамда вазифавий-мазмуний хусусиятлари поэтик асарлардаги мисоллар асосида далилланган;

Алишер Навоий бадиий асарларидаги литеронимларнинг сўз яшаш имконияти даражаси, шакл ва маъно муносабатига кўра кўп маънолилик, маънодошлилик ва зид маънолилик белгилари фактик материаллар билан исботланган;

ўзбек-араб литеронимик бирликларнинг метафорик, синекдохик, метонимик хусусиятлари, лирик асарлар тилида мажозий маънода қўлланилганлиги лингвопоэтик таҳлиллар асосида аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий поэтик асарлари тилида қўлланган литеронимик метафора, метонимия ва синекдоха каби кўчма маънодаги лисоний

воситалардан бадиий матнда фойдаланиш даражасини аниқлаштириш орқали шоирнинг индивидуал маҳоратини ёритиш усуллари ишлаб чиқилган;

эски туркий адабий тил ва айниқса, эски ўзбек адабий тили даври бадиий адабиётида алоҳида санъат ҳодисаси сифатида шаклланганлиги ёритилган;

Алишер Навоийнинг бадиий асарларида қўлланилган ҳарфий санъатлар, шоирнинг имло асосида турли бадиийликлар яратиш, ҳарфларнинг ёзувдаги шаклларидан фойдаланиш маҳорати каби масалаларни ўрганишда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

Алишер Навоийнинг бадиий санъатлар, хусусан, ҳарфий санъатлар тараққиётига қўшган ҳиссасига доир материаллар, назарий маълумотлар ёш авлод қалбида мазкур ижодкорга, маънавий меросимиз ва она тилимизга муҳаббат туйғуларини юксалтиришда катта аҳамият касб этиши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-бадиий манбалардан олинганлиги, киёсий-тарихий, тавсифлаш, компонент таҳлил, лингвокультурологик, компонент таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиётидаги литеронимларнинг ўрни, лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари, бадиий-эстетик вазифалари, ўзбек-араб алифбосидаги ҳарфларнинг бадиий-эстетик табиатига дахлдор масалаларни тадқиқ этишга оид назарий хулосалардан тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Ҳозирги ўзбек тили», «Ўзбек тили тарихи», «Лингвопоэтика», «Матн лингвистикаси» ва «Лингвокультурология» фанларидан машғулотлар олиб боришда ҳамда ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда, ҳарфий бадиий санъатлар бўйича луғат-маълумотномалар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Навоий бадиий асарларидаги литеронимларнинг лексик-семантик ва лингвопоэтик жиҳатларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ўзбек мумтоз адабиётида литеронимларнинг метафорик, синекдохик, метонимик хусусиятлари, уларнинг лирик асарлар тилида мажозий маънода қўлланилиш жиҳатларини ёритиш каби хулосалардан Ф-1-06-рақамли «Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» номли фундаментал лойиҳада (2012-2016) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 89-03-58-сонли маълумотномаси). Натижада литеронимларнинг луғавий-бадиий табиати ҳамда бадиий санъатлар тизимидаги ўрни,

литеронимнинг кўчма маънолари ва унга доир изоҳталаб сўзлар моҳиятини асослаш бўйича хулосалар чиқаришга эришилган;

миллий уйғониш даври адабиётида ҳарф номларининг маънавий санъатлар тизимида муҳим ўринга эгаллиги, бадиий-эстетик ҳамда вазифавий-мазмуний хусусиятлари, поэтик асарлардаги лисоний-бадиий, эстетик ва вазифавий-мазмуний хусусиятларини очиб беришга оид хулосалардан ОТ-ФЗ-090 «Жадид адабиёти – жаҳон илғор адабиётининг синтези сифатида» номли фундаментал лойиҳада (2007-2011) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-811-сонли маълумотномаси). Натижада ҳарф номларининг мумтоз адабиётда маънавий санъатлар тизимида муҳим ўринга эгаллиги, бадиий-эстетик ҳамда вазифавий-мазмуний хусусиятлари поэтик асарлардаги бадиий санъатнинг воқеланиши билан боғлиқлиги асосланган;

ўзбек-араб литеронимларининг ўзбек тилида алоҳида луғавий маъно гуруҳларини ажратишга оид хулосалардан Мир Араб олий мадрасасининг юқори курс талабаларига «Тасаввуф» ва «Тасаввуф атамалари» каби дарсларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги дин ишлари бўйича кўмитасининг 2020 йил 14 январдаги 209-сонли далолатномаси). Натижада ўқув дастурларининг мазмуни ва сифатини мукаммаллаштиришга ҳамда мавзулар кўламининг бойишига, шунингдек, литеронимларнинг лексик-семантик маъно гуруҳларини аниқлашга эришилган;

бадиий асарлари тилининг лексик-семантик ва лингвопоэтик таҳлиллари асосидаги хулосалардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши учун мўлжалланган «Ўзбек адабий тили тарихи» (муаллиф Ё.Саидов) номли ўқув қўлланманинг «Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик меъёрлар», «Муҳокаматул-луғатайн» асарининг ўзбек адабий тили тараққиётида тутган ўрни» каби мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2783-сонли маълумотномаси). Натижада Алишер Навоий шеъриятидаги ҳарфий санъатларни тавсиф ва тасниф этиш, луғавий-бадиий жиҳатларини тадқиқ этиш, лексик-семантик хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

Алишер Навоий бадиий асарларидаги литеронимларнинг сўз яшаш имконияти даражаси, шакл ва маъно муносабатига кўра кўп маънолилиқ, маънодошлилиқ ва зид маънолилиқ белгилари, хусусан, ҳарфий санъатларни мажозий маънода ўрганиш каби илмий қарашлардан «Бухоро» телерадиоканалининг «Саккизинчи мўъжиза», «Асрларнинг асраганлари» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 11 декабрдаги 1-450-сонли маълумотномаси). Натижада Алишер Навоийнинг бой ижодий мероси, литеронимларнинг сўз яшаш имконияти даражаси, китобат санъати, шеъриятнинг лисоний хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар радиоканал ижодий жамоасининг мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиши учун замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 та хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва шартли қисқартмалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Литеронимлар ўзига хос луғавий-маъновий гуруҳ сифатида**» деб номланган биринчи боби тўрт бўлимдан иборат. Унинг биринчи қисми «Ўзбек-араб литеронимларнинг шаклланиш тарихи ва манбалари» деб аталган бўлиб, унда жаҳон халқларининг ёзув тарихи, хусусан, ўзбек халқининг тарихан фойдаланган ёзув турлари, чунончи, эски ўзбек ёзуви хусусида маълумотлар ифодаланган. Мазкур бобнинг иккинчи бўлими «Литеронимларнинг лексемалик хусусиятлари» деб номланган ва унда литеронимларнинг лексема сифатидаги хусусиятлари очиқ берилган.

Ҳарф номлари тилшунос ва адабиётшунослар диққатини азал-азалдан тортиб келган, у билан боғлиқ хилма-хил иборалар (чунончи, айрим адабиётларда келтирилган лотинча *Alpha to omega*, русча *от Алфы до Омеги, от А до Я*<sup>8</sup> кабилар) ва ҳарф номлари иштирокида ясалган сўзлар (чунончи, ўзбекча *алифбо, алифбе*; русча *алфавит, азбука*; юнонча *alphabetos*; шу асосда инглизча *alphabet*; немисча *alphabet*; французча *alphabet* кабилар) бўлса-да<sup>9</sup>, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари, тил лексик тизимидаги ўрни, лексема сифатида воқеланиши, семантик-функционал хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, фонетик ёзув билан иш кўрадиган барча тилларнинг алифбоси(алфавити)да *ҳарфларнинг номи* деган бўлим мавжуд ва бу бўлимда ҳарфнинг график шакли ҳамда унинг номи келтирилади.

<sup>8</sup> Вартаньян Э.А. Путешествие в слово. – Москва: Просвещение. 1987. – С. 280.

<sup>9</sup> Успенский А. Слово о словах. – Москва: Просвещение. 1992. –С. 56.

Ҳарф номи алоҳида лексема саналиши мумкинми, деган саволга «Ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Унинг бир сўз билан ифодаланган номи мавжуд эканлиги, лисоний тизимда ҳарф номлари, яъни литеронимларни алоҳида лексема сифатида ажратиш лозимлигини кўрсатади. Литеронимлар алоҳида лексема сифатида ажратилар экан, уларнинг лексематик, лексема сифатидаги хусусиятлари нималардан иборат, деган савол туғилиши табиий. Маълумки, тилшуносликда лексемага қўйиладиган талаблар<sup>10</sup> қуйидагилардан иборат: 1) лексема ўзига хос шаклга, номемага эга бўлиши шарт; 2) лексема ўзига хос маъно (семема)га эга бўлмоғи керак; 3) лексеманинг номемаси фонемаларнинг барқарор бутунлиги шаклига эга бўлмоғи лозим; 4) номема маълум бир семема билан ижтимоий шартли боғланишда бўлмоғи керак; 5) номема билан боғлиқ бўлган семема сўзловчи ва тингловчи онгида маълум бир тушунча билан боғланган бўлиши ва тушунча борлиқда маълум бир нарса воқеа-ҳодиса (денотат, сигнификат, референция, аталмиш) билан боғланган бўлиши лозим. Лексемага қўйилган талабларни «алиф» лексемаси мисолида кўриб ўтаемиз:

1.«Алиф» литеронимининг номемаси барқарор бўлиб, у иккинчи бўғиндаги унлиси урғули бўлган *а, л, и, ф* товушларининг барқарор бутунлигидан иборат. Ундаги товушларни ихтиёрий равишда ўзгартириш ва бузиш – уни *олиф, алуф, олуф, атиф* деб ихтиёрий равишда ўзгартириш мумкин эмас, акс ҳолда, бу номема сўзловчилар учун тушунарсиз бўлиб қолади. «Алиф» номемаси ўзбек тили лексемаларининг номемаларига хос бўлган барча қонуниятларга бўйсунди. Чунончи, сўз охирида (аусдаутда) келган «ф» портловчи «п»га ўтиши мумкин. (қаранг: В.В.Решетов ва Ш.Шоабдурахмоновнинг «Ўзбек диалектологияси» асарида *ф* нинг *п* га ўтиши, М.Миртожиевнинг «Ҳозирги ўзбек тили» асарида *алиф-алип* тарзида ифодаланиши қайд этилган). Шунинг учун сўз охиридаги ундошнинг жарангли, жарангсиз эканлиги, *ф* ёки *п* келишини аниқлаш учун у интервокал (икки унли оралиғи) мавқеига ўтказилади. Чунончи, *алиф/алип*, «*алифингиз*», «*алифлари*» номемадаги ҳолат ҳам шу қоидага тўла-тўқис бўйсунди, яъни «алиф» номемаси ўз хусусиятлари билан бу жиҳатдан сўз охирида *ф* → *п* алмашишига кўра – ўзбек тилидаги бошқа лексемаларнинг номемаларидан фарқланмайди.

Ўзбек тилининг ўз сўзларида *ф* сирғалувчи ундоши йўқ. У араб, эроний тиллардан олинган ва русча-байналмилал сўзларда ҳам учрайди, у пастки лабнинг тепа курак тишларига яқинлашуви орқали улар оралиғидан ҳавонинг кучли босими билан сизиб чиқиши натижасида ҳосил бўладиган жарангсиз сирғалувчидир. Аммо ўзбек тилида худди шундай талаффуз этилмайди. У сўз

<sup>10</sup> Раҳматуллаев Ш. Семема мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1984.– № 5. –Б. 27-31.; Раҳматуллаев Ш., Юсупов Р. Семемаларнинг семемалар состав ва семантик боғланиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1974. – № 1. –Б. 34-38.; Неъматов. Сўз ва унинг тил ва нутқдаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1988. – № 6. –Б. 42-48.; Уфимцова А. Слова лексеко-семантической системе языка. –Москва: Наука, 1968. –С. 78.; Неъматов Х., Бегматов Э., Расулов Р. ва б. Лексик макро система ва унинг тадқиқ методикаси. (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. – № 6. –Б. 34-39.; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –Б. 23.

таркибида портловчи *n* ундоши билан алмаштирилади. Масалан, *фақат-пақат; кифти-кипти; саф-сап* каби. Сўз таркибидаги унлилар қатор жиҳатдан олдинга силжиши ва *алип* сифатида талаффуз этилиши мумкин<sup>11</sup>. Иккинчи бўғиндаги «и» олд қатор ва ўта қисқа (*эльп*) тарзида талаффуз этилиши мумкин. «Алиф» номемасининг талаффузи билан боғлиқ бўлган барча қонуниятлар ўзбек фонетикасининг умумий қонуниятларидир. Демак, *алип-алиф* номемаси ўзбек тилидаги номемалар учун хос бўлган хусусиятларга эга. Бу В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Абдуазизов, А.Маҳмудов, М.Миртожиевлар томонидан батафсил шарҳланган. Уларда *алиф* барча қонуниятларга кўра номама бўла олиши таъкидланган.

2. Лисоний маъно борлиқдаги бирор нарса, ҳодиса билан ўзаро боғланган бўлиши лозим. «Алиф» товушлар тизмаси ўзбек онгида маълум бир имловий (график) белги билан узвий боғланганкт, у шу харфнинг номидир. Бу жиҳати билан «алиф» бошқа мустақил сўзлар каби маълум бир соҳага хос ҳодисани атаб келади ва термин сифатида намоён бўлади. Бошқа терминлар муайян соҳа вакилларига тушунарли бўлгани каби<sup>12</sup> «алиф» номемасининг маъноси ҳам эски ўзбек ёзуви билан таниш бўлган шахсга аён. Бу ёзув тизими билан таниш бўлмаган шахс учун унинг маъноси равшан эмас. Бу эса барча терминологик лексика учун хос хусусиятдир. Чунончи, эга сўзининг лингвистик терминологик маъноси тилшунослик билимига эга бўлган шахс учун тушунарлидир. Кимёвий билим тизими билан нотаниш шахс *реакция* маъносини тушунмагандек, эски ўзбек ёзуви билан нотаниш шахс ҳам “алиф” номемаси маъносини уқмайди.

3. Ўзбек-араб ёзуви тизими билан таниш бўлган шахсда мавжуд бўлган «алиф» тушунчаси объектив борлиқнинг бир парчаси, бир бўлаги бўлган ўзбек-араб ёзувидаги матнларда қўлланадиган “алиф” харфи (графемаси) билан боғлиқ.

Тилимиздаги барча сўзлар каби ҳарф номлари ҳам қўшма ва жуфт сўзлар яшаш тизимида иштирок эта олади. Масалан, тилимизда *алиф* литероними билан боғлиқ равишда *алифбе* (араб алифбоси бошидаги биринчи *алиф* ва иккинчи *бо* ҳарфлари номидан) қўшма сўз ясалган. Эски ёзма манбалар тилида унинг *алифбо* шакли кенг қўлланилган. Юқорида санаб ўтилганларга кўра ҳарф номлари (литеронимлар) ўзбек тили

<sup>11</sup> Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 5-6.

<sup>12</sup> Алланиязова Ш. Терминалогия прикладного искусство в каракалпакском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1986. – 23 с.; Азизов С. Лексико-граматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 24 с.; Бакаева Н. Терминалогия золотошвейного производство Бухары и Гиждувана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1971. – 26 с.; Данияров И. Техническая терминология узбекского языка на современном этапе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. –27 с.; Данияров И. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. –134 б.; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы её нормализации: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1986. – 25 с.; Сабилов А. Термины узбекских народных зрелищ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 26 с.; Санаев К. Строительная терминология узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – 24 с.; Розенталь Д.Е., Теленкова Н.А. Справочник лингвистических терминов. – Москва: Просвещение, 1972. –287 с.; Турсунова Т. Меъморчилик терминларининг лексик-грамматик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 1987. –156 б.; Хатамов Н. Развитие узбекской литературоводческой терминологии в советской период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.– 26 с.

лексемалари олдига қўйиладиган муайян талабларга жавоб бера олади ва бу уларга лексема сифатида қаралиши керак, деган хулоса чиқаришимизга асос бўлади.

Учинчи бўлим «Литеронимларда омонимия, синонимия ва антонимия ходисаси» деб номланган. Маълумки, литеронимларда омонимия барча терминологик (соҳавий) лексик тизим ёки тизимчаларда бўлганидек жуда кам учрайди. Ҳарф номларида омонимиянинг юзага келиши ўзбек тилида товушдош ҳарфларнинг<sup>13</sup> мавжудлиги билан боғлиқ. Чунончи, араб тилида ت ҳарфи *те* деб, ط ҳарфи *та* // *то* деб, ح ҳарфи *ха* деб, ه ҳарфи *хе* деб номланади.<sup>14</sup> Ўзбек-араб алифбосида ва литеронимлар тизимида бу омонимия ت ни *те* сифатида ط итқини *то* ёки *итқи* сифатида, ح ни *ха* ёки *ҳойи хутти*, ه ни эса *хе* ёки *ҳойи хавваз* (ه) деб номлаш билан бартараф этилган.

Литеронимларда синонимия ходисаси ҳам мавжуд. Арабнавис адиблар كزچپ ҳарфлари талаффузини фарқламаганлари сабабли *не*, *жим*, *же*, *гоф* литеронимларига синоним сифатида *бойи форси* // *бойи ажами*, *жими форси* // *жими ажами*, *жейи форс* // *жейи ажами*, *гофи форси* // *гофи ажами* бирикмаларини қўллаганлар. Аёнки, лирик образнинг эгик, букик, нотавон қадди *дол*, *нун*, *йо*, *қоф* ҳарфлари билан ифодаланган. Литеронимларнинг бундай қўлланилиши, табиийки, улар ўртасида ўзаро синонимияни юзага келтиради. Юқоридагилардан англашиладики, литеронимлар микросистемаси учун бошқа луғавий-маъновий гуруҳлардаги каби синонимия ходисаси ҳам ёт эмас.

Литеронимларда антонимик муносабатлар жуда ёрқин намоён бўлади. Бундай хусусиятли литеронимларни икки гуруҳ бўйича тасниф этиш мумкин: 1) литероним – лексема (*алиф* қомат – *букик*, *эгик* қомат каби); 2) литероним – литероним (*алиф* қомат – *дол* қомат каби). Алишер Навоий шеърин асарларида литероним – литероним типигадаги антонимлар кўпчиликни ташкил этади.

Биринчи бобнинг тўртинчи бўлими «Литеронимларнинг луғавий-маъновий гуруҳи» деб номланган бўлиб, унда ҳарф номларининг лексик-семантик хусусиятлари талқин этилган. Ўзбек-араб литеронимларининг луғавий-маъновий гуруҳининг бошқа луғавий-маъновий гуруҳлардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусияти шундаки, литеронимлар махсус тартибга бўйсундирилган ҳолда жойлаштирилган ва бу тартиб моҳиятан лингвистик-онтологик табиатга эга бўлмаса-да, ижтимоий-худудий шартланган ва қатъий белгиланган, бутун жамият учун мажбурий тарзда берилган тартибга эга. Унга ихтиёрий равишда ўзгартиришлар киритиш мумкин эмас. Юқорида саналганлар асосида биз хулоса қила оламизки, ўзбек-араб литеронимлари ўзига хос бошқа терминологик тизимларда бўлгани каби алоҳида бир – литеронимик луғавий-маъновий гуруҳни туза

<sup>13</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. I-жилд. –Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – Б. 34.; Холилов Б. Учебник арабского языка. –Ташкент: Ўқитувчи, 1977. –С. 56.

<sup>14</sup> Brockelmann Carl Arabische Grammatik 15. Anllage Leipzigvcp Vei'lap Lnzeklopadie 1962. В. 4-5 (vH 278+98 b).

олади ва бу луғавий-маъновий гуруҳ ўзининг онтологик хусусиятлари билан лисоний луғавий-маъновий гуруҳларга қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради. Ўзбек тилининг бошқа луғавий-маъновий гуруҳлари учун хос муносабатларнинг барчаси литеронимлар учун ҳам хосдир ва бу хулоса литеронимларнинг ўзбек тили лексик тизимининг бошқа birlikлари билан тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Иккинчи боб «**Литеронимларнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрни ва луғавий хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи бўлимида санойи бадиъя тизимида ҳарфий санъатларнинг вазифаси, ўрни ва аҳамияти очиқ берилган.

Ҳарфий санъатлар маънавий ва лафзий санъатлар тизимида алоҳида ўринга эгаки, улар биргина имловий кўринишда бутун образни ифодалай олади. Мумтоз шеърятда арабий ҳарфлар (литеронимлар) бадиий санъатлар тизимида ўзига хос вазифани бажариб, маънавий ва лафзий санъатлар замирида шаклланади ҳамда тараққий этади. Зеро, литеронимларнинг янги бадиий санъатларни ҳосил қилишдаги ўрни бекиёс. Ҳарфий санъатлар истиора, ўхшатиш, қалб, тажнис, тазод, истихроҷ, тасхиф, тамсил каби бадиий санъатларда намоён бўлади. (Ишда уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ўрганилган.)

Мумтоз адабиётда ҳарфий шаклларга қиёс усули билан ёндашиб, улардан муҳим ижтимоий-сиёсий, маърифий-ахлоқий ғояларни ифодалашда маҳорат билан фойдаланганлар. Алифбодаги тўғри, эгри, ёйсимон, доирасимон шаклли ҳарфлар турли ўхшатишлар яратишда асос бўлган. Жумладан, маъшуканинг тик қомати «алиф» ҳарфига, эгик қомати «дол» ҳарфига, қошлари «йо» ёки «нун» ҳарфига, сунбул сочлари «лом» ёки «жим» ҳарфига, тишлари «син» ҳарфига, оғзи «мим» ҳарфига, кўзлари эса «айн» ҳарфига ўхшатишган. Бу ҳарфий ўхшатишлар орқали ошиқ ёки маъшуканинг кўриниши аниқроқ ва таъсирчанроқ тасвирлашга эришилган.

Эй, алифдек қоматинг майли бузулгон жон аро,

Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро. (Ғс, 81-б.)

Тавсифи: «Эй ёр, алифдек қоматинг менинг бузилган жонимдадир, хуснинг хазинасининг гавҳари эса менинг вайрона хотирамдадир». Байтда ёр қомати «алиф» ҳарфининг шаклига ўхшатиш орқали намоён бўлган. Шоир *алифнинг жон* ичида жойлашганига ишора қилади.

Алишер Навоий шеърый асарларида литеронимларнинг метафора сифатида вокеланиши кўп кузатилади. Бунга доир айрим мисолларни қуйида келтириб ўтаемиз:

Малоҳат бирла туздунг сарв дардлар қоматин, яъни

Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо. (Бв, 30-б.)

Тавсифи: «Сен (яъни Оллоҳ) гўзалларнинг сарв каби қоматларини нафосат ила безадинг. Бу безак, яъни «зеб» уларнинг қоматларини зебо (чиройли, гўзал) қилибди». Шоир «зеб» ب زب сўзига «алиф» ҳарфини қўшиш орқали «зебо» ب زب сўзи ҳосил бўлишини кўрсатади. Байт тавсифу таъриф характериға эга. Иккинчи мисрадаги “ул алиф” ифодаси истиоравий тарзда маъшуқага ишора қилмоқда.

Сўз санъати такомлида етакчи бадий усуллардан бири тазод «зид кўйиш», «қаршилантириш»га асосланиши маълум. Байтда бир-бирига зид тушунчаларни ифода этувчи сўз ёки ибораларни маълум бир муносабат нуқтаи назаридан ишлатиш тазодни вужудга келтирар экан, бу санъат ижодкорга турли зиддиятлар билан ўтган мураккаб турмушнинг бадий лавҳаларини яратиш имкониятини беради.

Алишер Навоий шеъриятида тазод санъатининг аввал кузатилмаган ранг ва оҳангларда қўлланилишини кузатиш мумкин. Масалан,

Фироқ ичра *алиф*дек қаддима ғам тоғини юклаб.

Уҳуд остидаги *дол* этса, жисми нотавонимни (Ғс, 394-б.)

Шоир бу байтда анъанавий тарзда «алиф» ۱ ва «дол» ۲ ҳарфларини ўзаро зид кўйиш орқали тазоднинг бетакрор намунасини яратган. Қўлланган усулнинг бетакрорлиги шундаки, мурожаат этилган ҳарф номлари тазод учун восита бўлибгина қолмай, фироқ юки остида қолган ошиқ қиёфасининг муболағали тасвирини яратиш учун ҳам хизмат қилган. Шу тариха нисбатан содда кўринган анъанавий ҳарфлар воситасида нафақат тазод, балки муболағанинг ғулувв даражаси ҳосил бўлишига эришилган.

Қайда мумкиндур *алиф*дек чикмоқ элдин хоссаким,

Кавн аро олти жиҳатдин қолмишам андоқки *вов*. (Нш, 294-б.)

Мазмуни: «Алиф» каби йиғиндан ташқари («эл» ۱ ۲ | сўзида *алиф* ҳарфи сўз бошида келиб, алоҳида кўриниш орқали ёзилади) бўлмоқ қаерда? Ер, осмон, шимол, жануб, шарқ (кун чиқар), ғарб номлари билан юритилувчи олти унсур ичидаман, улардан узилолмайман. Инчунин, «кавн» ك و ن (кун) сўзидаги «вов»дек ҳеч қаёққа кетолмайман». Мазкур байтда тазод «алиф» ۱ ва «вов» ۲ ҳарфларининг имловий хусусияти орқали намоён бўлган. Шоир асосий эътиборини «алиф»нинг “эл” ۱ ۲ | сўзида алоҳида ёзилишига ва «вов»нинг «кавн» ك و ن сўзи ўртасида келишига қаратган. Бу, албатта, гўзал поэтик услубни таъминлаш шароитини яратган.

Меҳр англаб, ошук ўлдум сўнгра етса кўхи ғам,

Не ажаб, ишқ ибтидоси *айн* эрур, поёни *қоф*.

Шоир ушбу байтда айтмоқчики, «маъшуқани меҳр англаб, ошиқликни зиммамга олдим, шу сабаб жонимга ишқнинг бениҳоя оғир қайғуси етди. «Ишқ» сўзининг «айн» ع билан бошланиб, «қоф» ق билан тугаши аён эди-ку, ахир». Маълумки, «айн» араб алифбосидаги ҳарф номи бўлиб, у мажозий маънода меҳр (қуёш) маъносини ҳам ифодалайди. Байтдаги тазод ҳарфлар шаклидаги зидлик асосида эмас, балки «ишқ» сўзидаги «айн» ва «қоф» ҳарфларининг жойлашув ўрни (яъни, сўз аввали ва охирида жойлашишига) кўра юзага келтирилган. Мазкур сўз ўйини ўқувчи кайфиятига поэтик таъсир кўрсатиш билан бирга ошиқнинг ички кечинмаси ва ҳолатини ёрқин ифодалаш имкониятини берган.

Таҳлиллар жараёнида аён бўладики, ҳарфий тазоднинг вужудга келиш омили сифатида ҳарф шакллариини ўзаро зид кўйишни ҳам, улар мазмун-моҳиятини зид кўйишни ҳам назарда тутиш мумкин. Аслида ҳарф шакллариини зид кўйиш улар моҳиятини зид кўйишга асосланади. Зотан, мазмунсиз шакл бўлмаганидек, шаклсиз мазмун ҳам воқеланмайди. Шу боис

тахлилга тортилган дастлабки икки байтдаги очик шаклий қиёсни ҳам, учинчи байтдаги мантикий-маъновий қиёсни ҳам байт мазмуни вужудга келтирганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бу эса улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий тазод бадий санъатининг нисбатан мураккаб намуналарини яратишда ўзига хос маҳорат эгаси бўлганлигини яққол намоён этади.

Иккинчи бўлим «Литеронимларнинг ўз маъносида қўлланилиши» деб номланган. Маълумки, мумтоз адабиётда литеронимлар икки мақсадда қўлланган: дидактик ва бадий мақсадларда. Дидактик мақсадда қўлланган литеронимлардан ўзбек-араб алифбосини ёдлаш ва алфавитдаги ҳарфлар тартибини эсда тутиш учун фойдаланилган.

«**Литеронимлар лингвопоэтикаси**» деб номланган учинчи боб икки бўлим («*Кўчма маъноли литеронимларнинг лисоний-бадий хусусиятлари*» ва «*Литеронимларнинг имло билан боғлиқ мураккаб ҳарфий санъатларда қўлланилиши*»)дан иборат. Мумтоз адабиётимизда литеронимларнинг кўчма маънода қўлланилиши исломий адабиётнинг ўзига хос бадииятларидан бўлиб, ҳарфларнинг шакллари ва имловий хусусиятлари билан боғлиқ. Литеронимлар кўчма маънода қўлланилганда бадий қаҳрамоннинг хилқати (ташқи кўриниши, тана тузилиши ва ҳолати) асосида ифодаланади.

Кўчма маънолар, асосан, метафора, қисман, синекдоха ва метонимия усули билан ҳосил қилинган. Метафора усули билан кўчма маъно ҳосил қилинганда бадий қаҳрамон хилқатининг айрим томонлари ҳарфларининг график (ёзув)даги шакли, ташқи кўриниши ёки ҳарф//сўзнинг имловий хусусиятлари билан қиёсланади. Бунда гўзал, тик қомат *алиф* ҳарфига ўхшатилса, эгик, букик қад-қомат эса *дол*, *нун* ёки *йога* нисбат берилади. Мисол:

Нукта лаб устига бежодур, дедим айди кулиб,  
Саҳв қилмиш котиби тақдир магар таҳрирда.

Маъшуқа лабининг устидаги холни шоир «бежо» дейди ва «бежо» сўзини икки маънода: 1) ўринсиз, хато; 2) ҳаддан ташқари мафтун этувчи, маҳв этувчи, деб талқин этади ва бунда биринчи маъно учун асос сифатида *лаб* сўзининг имлосини назарда тутди. Чунки *лаб* сўзининг имлосида нукта «бе» ҳарфининг остида бўлади. Маъшуқа холи эса унинг лаби устида бўлган. Шунинг учун метафорик кўчма маънони ҳосил қилишда нафақат ҳарфнинг, балки сўзнинг имлосига таянилади.

Синекдоха усули билан кўчма маъно ҳосил этган литеронимлар ва улар ифодалаган ҳарфларнинг айрим қисмлари маъшуқанинг айрим узвларини тасвирлашга хизмат қилган, чунончи, «мим» ҳарфининг «дум» қисми маъшуқанинг сочига, «айн» ҳарфининг бош қисми ёрнинг кўзи ва оғзига, ҳарфларнинг имлосидаги нукталар эса маъшуқанинг кўз ёшлари ёки холига қиёсланган. Мисол,

Ой юзунг устида кўз андоқки, ораз узра айн,  
Нун била икки қошинг ичра тафовут байну байн.

Байтнинг биринчи мисрасидаги маънони изоҳлаш анча содда. *Ораз* сўзини ёзганда бошда *айн* ҳарфи ёзилади. Арабчада *айн* кўз маъносида

ифодаланади. Иккинчи мисрани тушуниш ва талқин этиш анча мураккаб, чунки бунда қиёс манбаи бўлган *байн* сўзи кўпчилик китобхонга нотаниш. *Байн* – Ҳиндистонда машҳур бўлган ва икки қоринли танбурга ўхшаш мусиқа асбоби. Бу мисрада икки қош нун *و* ҳарфига, айна пайтда икки қоринли танбурга ўхшаш мусиқа асбоби – *байн*га қиёсланган.

Литеронимларда кўчма маъно метонимик усул билан ҳосил қилинганда ҳарфнинг имловий хусусиятига асосланади. Бундай усулда кўчма маъно литеронимнинг ўзи билан эмас, балки сўзнинг имлоси билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, литеронимнинг метонимик усулда ифодаланиши унинг метафорик ва синекдохик қўлланишидан анча фарқ қилади. Бундай қўлланишда литероним моҳиятан ўз маъносида қўлланади. Сўзнинг имлосида ҳарфнинг тутган ўрни асосида кўчма маъно ҳосил қилинади. Демак, бунда кўчма маъно литероним (ҳарф)нинг ўзи билан эмас, балки сўзнинг имлоси ва, табиийки, ундаги ҳарфларнинг иштироки ва шакли асосида ҳосил қилинади. Мисол,

Қайда мумкиндур *алиф*дек чиқмоқ элдин хосса ким,  
Кавн аро олти жиҳатдин қолмишам андоқки *вов*.

